

## **“Ёш чегарачилар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ташкил этиш түгрисида**

### **НИЗОМ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом чегараолди шаҳар ва туманлардаги умумий ўрта таълим мактабларида (кейинги ўринларда – мактаб) таҳсил олаётган чақириққача тайёргарлик ёшидаги ўқувчилар ўртасида уч босқичли мусобақани ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мусобақа ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давлатимиз манфаатлари ва суверенитетини фидокорона ҳимоя қилишга тайёрлаш, жисмонан соғлом ва маънан етук ёш авлодни камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўз юрти ва халқи тақдирни учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантириш ҳамда давлат сиёсатини фаол амалга ошириш мақсадида ўтказилади.

3. Мусобақа ўқувчиларни ҳарбий-касбга йўналтириш ва келгусида уларни республиканинг олий, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига йўналтириш ва босқичма-босқич тайёрлаб бориш учун хизмат қиласи;

4. “Ёш чегарачилар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳамкор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат маҳаллий, ҳудудий ва Республика ташкилий қўмиталари тузилади.

#### **2-боб. Мусобақанинг мақсад ва вазифалари**

5. Мусобақанинг асосий мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

ёшларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, чегара хизматига қизиқтириш ва босқичма-босқич тайёрлаб бориш;

ёшларга мардлик, жасурлик, шиҷоат, қатъият, куч-ғайрат, юксак интизом, меҳнатсеварлик каби фазилатларни сингдириш ҳамда уларда жамоатчиликка таяниш туйғуларини шакллантириш;

ёшларни Президентга, Ватанга ва халқга садоқатли авлод сифатида, шунингдек Чегара қўшинлари шонли ва жанговар анъаналарининг давомчилари этиб тарбиялаш;

чегараолди шаҳар ва туман мактабларида “Ёш чегарачилар” клубларини ташкил қилиш, ёшлар орасида тарғиботчилар гуруҳини шакллантириш ва уларниң фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшлар орасида давлат чегарасининг ҳимояси шарафли бурч эканлигини тарғиб қилиш, чақириққача тайёргарлик ёшидаги ўсмирларни ДХХ ЧҚда хизмат қилишга тайёрлаб бориш;

ёшларда мамлакат сарҳадлари муқаддас эканлиги ҳақидаги тушунчани такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш.

#### **3-боб. Мусобақани оммалаштириш ва такомиллаштириш**

6. Ёшлар иштирокида ҳамкор ташкилотлар ва ҳарбий қисм қўмандонлиги раҳбарлигига давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларниң оила аъзоларига кўрсатаётган ғамхўрликлар, берилаётган имтиёзлар, юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари түгрисида, шунингдек, Давлат чегараларининг дахлсизлигини, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш юксак шараф эканлигини тарғиб қилувчи “Чегара қўшинлари – ватан ҳимоясининг олдинги қаторида!” шиори остида учрашувлар ва очик мулоқотлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш.

7. Ҳамкор ташкилотлар томонидан “Ёш чегарачилар” клуби фаолияти ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир олиб борилаётган тадбирларни доимий равишда назорат қилиб бориш, мусобақага тайёргарлик кўриш ишларини таҳлил қилиш,

мавжуд камчиликлар ва ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

#### **4-боб. Жамоаларни ташкил қилиш**

8. Ўқув йилининг бошида чегараолди шаҳар ва туман мактабларида ташкил этилган клуб аъзолари орасидаги энг чақон ва билимли чақириққача тайёргарлик ёшидаги (10-11 синф) ўқувчилардан иборат жамоа тузилади. Уларнинг орасидан сардор сайланади.

Сардор жамоага бошчилик қиласи. Унинг раҳбарлигида даврий жанговар варақа (деворий газеталар) тайёрланади.

9. Мусобақада қатнашадиган ҳар бир жамоа таркиби, битта таълим муассасасидан 10 нафар ўқувчи ёшлар (8 нафари ўғил, 2 нафари қиз бола)дан иборат бўлади.

10. Мусобақада қатнашувчи жамоа аъзолари жамоа раҳбари бошчилигида ташкилий кўмитага қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ID карта ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси);

мактаб ўқувчиси эканлигини тасдиқловчи маълумотнома (иштирокчининг мухрланган фотосурати билан);

соғлигини тасдиқловчи тиббий маълумотнома (худудий оиласиий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида мактабларга бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан бериладиган соғломлигини тасдиқловчи 086-шаклидаги маълумотнома);

ўқотар қуролдан фойдаланиш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ҳақидаги йўриқнома билан танишганлиги тўғрисида маълумотнома.

11. Талаб қилинган юқоридаги ҳужжатларни топширмаган ёки ҳужжатларида камчилиги бўлган жамоанинг мусобақада иштирок этиши тақиқланади.

12. Жамоаларнинг мусобақада қатнашиш тўғрисидаги талабномалари ташкилий кўмиталар белгилаган муддатларда қабул қилинади. Белгиланган муддатлардан кечиккан “Ёш чегарачилар” клубларининг талабномалари қабул қилинмайди.

13. Талабномада кўрсатилмаган шахслар ҳарбий қисм ва мусобақа ўтказиладиган худудга киритилмайди.

14. Мусобақа шартларини баҳолашда ҳакамлар фаолиятига аралашган жамоа аъзолари ва мураббийларга жарима қўлланилиб, жамоанинг умумий тўплаган балидан 10 балл олиб ташланади.

15. Мусобақада коллеж, лицей ёки ҳарбий-академик лицейлар ҳамда маҳсус ҳарбийлаштирилган мактаб ўқувчилари, мусобақанинг ўтган йилдаги республика босқичида фахрли I, II, III ўринни эгаллаган, шунингдек бошқа ҳарбий-ватанпарварлик танловларида қатнашган жамоалар иштирок этиши тақиқланади.

16. “Ёш чегарачилар” клуби аъзолари ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланган режага асосан, яқин худуддаги ДХХ ЧҚ ҳарбий хизматчиларига яратилган шарт-шароитлар (машғулот ўтиш хоналари, ошхона, ётоқхона, ҳарбий техника, курол-аслаҳа, хизмат ҳайвонларини парваришлиш, уларни жанговар хизматга тайёрлаш жараёнлари) билан танишиб борадилар.

#### **5-боб. Мусобақани ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби**

17. Мусобақада чегараолди шаҳар ва туман мактаблари ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этади. Ҳар бир жамоага бир нафар раҳбар (“Чакириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани” ўқитувчиси ёки юқори билимли, ҳарбий малакага эга, устозлик номига муносиб, педагогик жамоа ижтимоий тадбирларида фаол иштирок этадиган бошқа эркак жинсидаги ўқитувчи) бошчилик қиласи.

18. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш масъулияти ДХХ ЧК, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги хузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Транспорт вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамияти, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимларни зинмасига юклатилади.

19. Мусобақа қуйидаги уч босқичда ўтказилади:

**I босқич** - маҳаллий босқич туман-шаҳарларда (март-апрель ойларида);

**II босқич** - ҳудудий босқич вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида (апрель ойининг учинчи ўн кунлигига);

**III босқич** - республика босқичи (май ойида) ўтказилади.

20. Мусобақанинг барча (3 та) босқичлари бўйича ташкилий қўмиталар тузилади. Мусобақани ташкил этиш ҳамда ўтказиш уларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида амалга оширилади.

21. Мусобақа босқичларини ўтказиш аниқ санаси ва жойларини белгилаш ташкилий қўмиталар томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

22. Республика ташкилий қўмита аъзолари таклифларига биноан ташкилий қўмита режасига мусобақани ўтказиш муддати ва жойига ўзгартириш киритилиши мумкин.

23. Мусобақанинг натижалари тўғрисида ташкилий қўмиталар ўзидан юқори турувчи ташкилий қўмитага (туман, шаҳар – вилоят қўмитасига, вилоят – республика қўмитасига) уч кун муддат ичидаги ахборот берадилар.

24. Ҳудудий босқич ғолиблари томонидан республика босқичида иштирок этиш учун талабномалар Республика ташкилий қўмитасига ҳар йили 1 май санасига қадар тақдим этилади. Ҳудудий босқичда ғолибликтин қўлга киритган жамоа (мактаб) жойлашган ҳудуддаги ДХХ ЧК ҳарбий қисмдан бир нафар ҳарбий хизматчи амалий ва назарий ёрдам кўрсатиш учун республика босқичида ҳамроҳлик қиласи. Тааломнага жамоа аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилувчиларнинг тўлиқ рўйхати (10 нафар иштирокчи, 1 нафар жамоа раҳбари, 1 нафар ҳарбий хизматчи) илова қилинади ва таълим муассасаси раҳбари ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги хузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланади.

25. Мусобақаларни ўтказиш жараёнига ДХХ ЧК ҳарбий қисмлари қўмондонлиги умумий раҳбарлик қиласи.

## 6-боб. Ҳакамлик

26. Мусобақа ҳакамлари ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

27. Мусобақани ўтказувчи ҳакамлар рўйхати ва уларнинг иштирокини таъминлаш ДХХ ЧК томонидан қатъий назоратга олинади.

28. Ҳакамлар томонидан мусобақани ўтказиш вақтида йўл қўйилган камчиликлар ташкилий қўмита ишчи гурӯҳи ҳамкорлигига ўрганиб чиқилиб, бартараф этиш чоралари кўрилади.

## 7-боб. Жамоа раҳбарлари, мусобақа иштирокчилари ва ҳакамларнинг мажбурияти

29. Жамоа раҳбарлари, мусобақа иштирокчилари ва ҳакамлар ушбу Низом талабларига амал қилишлари ҳамда юқори тартиб-интизом, ташкилотчилик ва томошабинларга ҳурмат намуналарини кўрсатишлари шарт.

30. Жамоа раҳбарлари ҳакамлар фаолиятига араласиши ҳуқуқига эга эмас. Улар иштирокчиларнинг майдонда ҳамда ундан ташқарида бўлган вақтлардаги хатти-ҳаракатларига жавобгар ва масъулдирлар.

31. Мусобақа иштирокчилари автотранспортларда, дала майдонларида ҳаракатланганда, шартларни бажариш давомида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт.

32. Иштирокчилар мусобақа ўтказиладиган жой (ҳарбий қисм, ҳарбий ўқув марказлари, ҳарбий дала майдонлари, таълим муассасалари, стадионлар) худудида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиши, шунингдек у ердаги жиҳозларга зиён етказмасликлари талаб этилади.

33. Жамоа аъзолари томонидан мусобақа Низомида кўрсатилмаган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади.

34. Жамоанинг хавфсизлигини таъминлашга гуруҳ мураббийлари ва раҳбарлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашлари, шунингдек ДХХ ЧҚ ҳарбий қисмларининг вакиллари масъул ва жавобгардир.

## **8-боб. Тартиб-интизом чоралари**

35. Мусобақага ўз вақтида етиб келмаган жамоани мусобақада иштирок этиш-этмаслиги ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

36. Мусобақа қайдномасига киритилмаган ёки бошқа мактаб ўкувчиси бўлган ўқувчилар мусобақада қатнашаётгани аниқланса, ушбу жамоа мусобақадан четлаштирилади.

37. Мусобақа пайтида келиб чиқсан муаммоларни жойлардаги ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

38. Жамоа мураббийлари ва иштирокчилари томонидан мазкур Низом талаблари бузилган ҳолларда, республика ва худудий ташкилий қўмиталар қарорига асосан, ушбу жамоа қайси босқичда бўлишидан қатъий назар мусобақадан четлаштирилади.

## **9-боб. Мусобақа шартлари ва баҳолаш мезонлари**

### **39. Мусобақа шартлари:**

жамоаларнинг саф тайёргарлиги кўриги;

ҳарбий варақалар, альбом, вимпел, жамоанинг рамзий байроби ва номи ёзилган тахтacha кўриги;

жамоаларнинг маҳсус формаси кўриги;

билимлар синови;

Калашников автоматини нотўлиқ қисмларга ажратиш;

Калашников автоматини йифиш;

ўғил болалар 1000 метрга, қизлар 100 метрга югуриш;

турникда тортилиш;

азимут бўйича ҳаракатланиш;

граната улоқтириш;

заҳарланган ҳудуддан ўтиш;

тўсиқлар йўлагидан ўтиш;

тиббий ёрдам кўрсатиш;

ўқ-дориларни ташиш;

Калашников автоматидан ўқ отиш;

Калашников автоматининг макети кўриги.

40. Жамоаларнинг саф тайёргарлиги кўриги шарти икки босқичда ўтказилиб, унда жамоанинг барча аъзолари саф тортиб иштирок этади. Биринчи босқичда жамоа аъзолари шаҳдам қадам билан, иккинчи босқичда қўшиқ айтиб юришади. Ҳакамлар томонидан жамоа

аъзоларининг белгиланган тартиб бўйича юришларига ва ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда иштирокчиларнинг ҳар бир хатоси (кўл ва оёқларини жамоага нисбатан бир хилда бажармаса, бурилишларда ҳаракатларида хатоликларга йўл қўйилса, кўшиқ сўзларини жамоа билан бирга айтмаса, умумий синхронлар бузилса ва ҳоказо) учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

41. Ҳарбий варақалар, альбом, вимпел, жамоанинг рамзий байроғи ва номи ёзилган тахтacha кўригида жамоалар мусобақанинг тегишли босқичига ўзларининг рамзий байроғи 80 x 160 см (бўйи – 80 см, эни – 160 см), жамоа аъзолари ва клуб фаолияти, олиб борилаётган тадбирлари, маҳаллий ва худудий босқичлардаги иштирокини акс эттирувчи фотоальбом, ҳарбий варақа (жамоа аъзоларининг эришган ютуқлари, Ватанга садоқати, маънан етук ва юксак интеллектуал салоҳиятга эришишдаги муваффақиятлари ҳамда йўл қўйган камчиликлари, шунингдек клубнинг ижтимоий, маданий ва спортга оид ҳаётида эришган ютуқлари акс эттирилган бўлиб, жамоа раҳбари томонидан тасдиқланади), жамоа вимпели (бўйи-40 см, эни-30 см), жамоа ва худуд номи ёзилган тахтаси (бўйи-30 см, эни-60 см, дастак узунлиги-100 см) тақдим этилади.

Кўргазмага тақдим этилаётган буюмлар ва воситалар жамоа томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган бўлиши лозим.

Ушбу шартда жамоа сардори кўргазмадаги жамоа байроғи, ҳарбий варақаси, фотоальбоми, вимпелларини тасвиrlаб бериш билан бирга таълим муассасасида “Ёш чегарачилар” клуби учун яратилган шароитлари ҳақида ҳам сўзлаб беради. Ҳакамлар томонидан жамоа аъзолари тақдим этган буюмлар ва воситаларнинг сифатига ҳамда жамоа сардорининг нутқига эътибор қаратилиб, ҳар бир буюм ва воситада аниқланган хато ҳамда жамоа сардорининг нуткидаги камчиликлари учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

42. Жамоаларнинг маҳсус формаси кўриги шартида жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоанинг маҳсус кийими (шу жумладан бош кийими) танлови учун маҳсус тайёрланган, барча гурух аъзолари бир хил либосда (қиз ва ўғил болалар либослари ҳам бир хил ҳолда) бўлиши шарт (кийим-бош русумида ортиқча безаклар бўлмаслиги лозим).

Устки кийимда шахсни тасдиқловчи 10 x 6 см ўлчамдаги намлиқдан химояланган кўкрак гувоҳномаси (бейджик) кўкракнинг чап томонига тақилади. Кўкрак гувоҳномасида мусобақа иштирокчисининг исм-шарифи тўлиқ ҳолда, 4 x 6 см ўлчамдаги фотосурати жойлаштирилган ва таълим муассасасининг мухри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Шунингдек, чап қўл енги ва бош кийимида ҳарбий кийим-кечакка ўхшамаган клуб томонидан ижодий ёндашган, ўзига хос фарқловчи белгиси (шеврон) ҳамда кокардаси бўлиши керак.

Бундан ташқари, жамоа аъзоларининг ташқи қиёфаси (соchlарининг тартибга келтирилганлиги, соқолларининг олингандаги, қизлар бундан мустасно) ва қора рангдаги оёқ кийими (спорт пойафзали тақиқланади) текширилади. Бунда иштирокчиларнинг ҳар бир хато, камчилиги (кийим-бош русумини бузиш ҳолатлари, ҳар бир иштирокчининг ташқи кўриниши кўкрак гувоҳномаси белгиланган тартибда тайёрланмаганлиги ва ҳоказо) учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартда юқори балл олган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

Ғолибни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (хориж армияси) ҳарбий либоси ва бошқа ташкилотларнинг маҳсус кийимларида иштирок этиш тақиқланади. Мусобақада иштирок этаётган жамоанинг кийим-бош русуми “Ёш чегарачилар” ҳарбий-

ватанпарварлик мусобақасидан бошқа мусобақа учун тайёрланган бўлса, жамоага балл берилмайди.

43. Билимлар синови шартида жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоа сардори умумтаълим фанлари (тарих, она тили ва адабиёт, физика, математика, география, чақириқчача ёшларни тайёрлаш, инглиз тили), шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни бўйича 10 та тест саволидан иборат муҳрланган конвертлардан бирини танлайди ҳамда барча жамоа аъзолари билан бирга тўғри жавобларни белгилайди.

Жавоблар варакасида тегишли жавоб белгиланмаса ёки икки ва ундан ортиқ жавоб бўялса ёхуд тўлиқ белгиланмаса, ушбу тест топшириғига балл берилмайди.

Жамоа аъзолари томонидан китоб, уяли телефон, телекоммуникация воситалари, шпаргалка ва шу кабилардан фойдаланилса жамоа ушбу шартдан четлатилади.

Саволлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари, ДХХ ЧҚ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва худудий кенгашлари томонидан тузилиб, мусобақа кунидан бир кун аввал ташкилий қўмита аъзолари иштирокида муҳрланади.

Ушбу шарт учун 15 дақиқа вақт ажратилади. Шартда белгиланган тўғри жавоб учун “1” балл берилади. Юқори балл олган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

44. Калашников автоматини нотўлиқ қисмларга ажратиш шартида жамоанинг 3 нафар аъзоси (2 нафар ўғил ва 1 нафар қиз) иштирок этиб, иштирокчилар белгиланган столда автоматни нотўлиқ қисмларга ажратади.

Бунда иштирокчилар томонидан йўл қўйилган ҳар бир хато (автоматнинг ажратилган эҳтиёт қисмлари столдан пастга тушиб кетса, автомат охиригача нотўлиқ қисмларга ажратилмаса ва ҳоказо) учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

45. Калашников автоматини йиғиш шартида жамоанинг 3 нафар аъзоси (автоматни қисмларга ажратиш шартида иштирок этган 2 нафар ўғил ва 1 нафар қиз) иштирок этиб, белгиланган столда қисмларга ажратилган автоматни йиғади. Бунда иштирокчилар томонидан йўл қўйилган ҳар бир хато (автоматнинг эҳтиёт қисмларини ўз жойига ўрнатмаса, барча эҳтиёт қисмлар ўрнатилгандан кейин автоматнинг назорат тепкисини босмаса ва ҳоказо) учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

46. Ўғил болалар 1000 метрга, қизлар 100 метрга югуриш шартида жамоадаги ўғил болалар 1000 метрга, қиз болалар 100 метрга югуради. Белгиланган маррага энг охирида этиб келган жамоа аъзосининг вақти ёзиб қўйилади ва жамоаларга шу вақт бўйича балл берилади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “15” баллик тизимда баҳоланади. Агарда жамоа аъзоларидан бири ушбу шартга айрим сабабаларга кўра қатнашмаса ёки маррага этиб келмаса умумий баллдан 2 балл олиб ташланади.

Шартни энг қисқа вақтда бажарган жамоа энг юқори балл, шартни энг узоқ вақтда бажарган жамоага энг паст балл берилади.

47. Турникда тортилиш шартида жамоанинг 8 нафар аъзоси (фақат ўғил болалар) иштирок этади. Шарт иштирокчиларининг турникдаги жами тортилиши ёзиб борилади ҳамда уларни кўшган ҳолда умумий сони ҳисобланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Жамоа аъзоларининг тортилишлар сони умумлаштирилиб, энг кўп тортилган жамоага юқори балл, кам тортилган жамоага паст балл берилади.

48. Азимут бўйича ҳаракатланишда (ўтказиш майдони – узунлиги 300 м., кенглиги 100 м.) берилган магнит азимути ва масофа ёрдамида белгиланган нуқтани компас орқали

аниқлаш талаб этилади. Бошланғич маррада кейинги нұқтага ҳаракатланиш учун идиш ичига солинган варақда ёзилған маълумотлар жамоа томонидан ёзиб олинади ва қайтариб жойига қўйилади.

Шундан сўнг, белгиланган нұқтага жамоа бўлиб ҳаракатланади (белгиланган ҳудудда 5 та нұқта яширинган бўлиб, ҳар бир нұқтани аниқлаш учун идиш ичидаги маълумотларни олиши лозим). Шартни бажариш учун 10 дақиқа вақт берилади.

Бунда иштирокчилар ҳар бир хатоси учун ёзилған маълумот бўйича нотўғри ёки тахминан ҳаракатланса, ҳаракатланиш қоидасига риоя қилмаса) белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилған ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

Баҳолаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

5 та нұқта – “10” балл;

4 та нұқта – “8” балл;

3 та нұқта – “6” балл;

2 та нұқта – “4” балл;

1 та нұқта – “2” балл.

49. Граната улоқтиришда (ўтказиш майдони – узунлиги 50 м., кенглиги 30 м.) энига 10 метр ва ичкарига 5 метр ўлчамдаги белгиланган обьектга ўрнатилған тик ҳолдаги фигурага (8-сонли нишон) қарата 1 маротаба ўқув граната (700 гр. оғирлигига) улоқтирилади.

Белгиланган обьект 3 қисмга бўлинади: марказий ўрта қисми – 1 метр, икки ён чеккалари – 2 метр дан иборат бўлади. Объект марказий қисмининг икки чеккасига ва охирги қисмiga нишонлар ўрнатилади.

Жамоанинг барча аъзолари окоп поғонасидан обьектга қарата 25 м. масофадан туриб ўқув кўл гранаталарини 1 мартадан улоқтиради.

Баҳолаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

“5” - ўлчамнинг марказий қисмiga тушириш;

“4” - ўлчамнинг узок қисмiga тушириш;

“3” - ўлчамнинг яқин қисмiga тушириш.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилған ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Жамоаларга қўйилған баллар умумлаштирилиб, энг кўп балл тўплаган жамоага юқори балл, энг кам тўплаган жамоага эса паст балл берилади.

50. Захарланган ҳудуддан ўтишда (ўтказиш майдони – узунлиги 50 м., кенглиги 30 м.) қисқа вақт ичидан газдан ҳимояланиш ниқобини (противогаз) тўғри (белгиланган тартибда) кийиб, “захарланган” ҳудуддан ўтиш ва ўтгандан сўнг, газдан ҳимояланиш ниқобини тўғри (белгиланган тартибда) ечиш лозим.

Жамоанинг охирги аъзоси “захарланган” ҳудуддан ўтганидан сўнг, шарт бажарилған ҳисобланади. Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилған ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади.

Балларни белгилашда ҳар бир иштирокчининг йўл қўйган хатоси учун шартда белгиланган умумий баллдан 0,5 балл микдорида олиб ташланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

51. Тўсиқлар йўллагидан ўтишда (ўтказиш майдони – узунлиги 100 м., кенглиги 50 м.) жамоанинг барча аъзолари навбат билан қисқа вақт ичидан тўсиқлар йўллагидан ўтади. Бунда дўнгликлардан ҳар бир иштирокчи бирин-кетин сакраб ўтиш орқали шартни бажаради (оёғи дўнгликдан ерга тушган иштирокчи шартни бошидан бажаради).

Баландлиги ер юзасидан 30-40 сантиметр бўлган 30 метр масофага ўрнатилған тиканли сим тўсиғи остидан ер бағирлаб судралиб юрилади (по пластунский). Иштирокчиларнинг симга илиниб қолган ҳар бир хатоси учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

52. Тиббий ёрдам кўрсатишда (ўтказиш майдони – узунлиги 100 м., кенглиги 50 м.) жароҳатланган иштирокчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий пунктга олиб бориш керак бўлади.

Жароҳатланган иштирокчиларга жамоа томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади (хар бир жамоадан 2 нафар жароҳатланган иштирокчи ажратилади). Жароҳат тавсифи – қўл ёки оёқларининг лат ейиши, синиши (жароҳатланиши). Ярадорларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, шикастланган жойини боғлаш ва ярадорни ташиш чораларининг кетма-кетлигини тўғри бажарилиши бўйича баҳоланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади. Бунда иштирокчиларнинг ҳар бир хатоси учун белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

53. Ўқ-дориларни ташиш (ўтказиш майдони – узунлиги 100 м., кенглиги 30 м.) икки нафар иштирокчи (вазни 10 кг.) ўқ-дорилар қутиси макетини олиб, белгиланган мэррага югуриб боради (4 та марра), бу ерда қутини кейинги иштирокчиларга бериш орқали эстафетани давом эттиради. Бунда иштирокчилар томонидан йўл қўйилган ҳар бир хатолик учун (ўқ-дорилар қутисини ерга қўймасдан, кейинги иштирокчининг қўлига берса, югуриш давомида қутини тушириб юборса, йиқилса ва ҳоказо) белгиланган умумий баллдан 0,5 балл олиб ташланади.

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан ўзаро келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Шартни тез ва хатосиз бажарган жамоа шарт ғолиби ҳисобланади.

Ушбу шартларни бажаришда ҳар бир жамоа иштирокчисида бир хил ҳарбий дала кийими ва иштирокчилар томонидан тайёрланган Калашников автоматининг макети бўлиши шарт.

54. Калашников автоматидан ўқ отиш шартида ДК-440МП компьютерли отиш тренажёрида Калашников автоматидан отилади (Макаров пистолетидан – тик турган ҳолда, Калашников автоматидан – тиз чўкиб ўтирган, тик турган ва ётган ҳолда). Бунда жамоанинг 3 нафар аъзоси (2 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола) иштирок этиб, шартни бажариш учун кўнишка ҳосил қилишга 3 тадан ва норматив топширишга 10 тадан ўқ отишга руҳсат берилади (ТИР-нишонга отишни машқ қилиш учун мосланган бинода пневматик милтиқдан фойдаланиш ҳам мумкин).

Шарт ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади. Жамоаларга қўйилган баллар умумлаштирилиб, энг кўп балл тўплаган жамоага юқори балл, энг кам тўплаган жамоага паст балл берилади. Агарда жамоа аъзоси хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаса паст балл қўйилади.

55. Калашников автоматининг макети кўригига ҳакамлар ҳайъати томонидан Калашников автоматининг макетини энг яхши тайёрлаган жамоа аниқланади ва ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан келишилган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу шартда жамоанинг ҳар бир иштирокчисида Калашников автоматининг макети бўлиши шарт ҳисобланаб, уларни клуб аъзоларининг қўл меҳнати билан тайёрланганига эътибор қаратилади (чақириққача ёшларни тайёрлаш фанида фойдаланиш учун таълим муассасасига берилган ўқув автомат макетлари инобатга олинмайди).

56. Мусобақа ғолиблари ўсиб борувчи баллар жамланмаси асосида аниқланади. Энг юқори балл тўплаган жамоа ғолиб деб топилади ва ташкилий қўмита ишчи гуруҳ баённомаси билан расмийлаштирилади.

Агарда натижалар тенг бўлиб қолса, устунлиги бўйича биринчи қиз болаларнинг, ундан сўнг ўғил болаларнинг якуний кўрсаткичига кўра ғолиб жамоа белгиланади. Ушбу

натижаларга кўра ҳам баллар teng бўлиб қолган тақдирда, ғолиблар ташкилий қўмита ишчи гурухи аъзолари орасида ошкора овоз бериш йўли билан аниқланади.

## **10-боб. Мусобақа иштирокчиларининг шартлар бўйича тайёргарликлари**

57. Мусобақанинг маҳаллий босқичи бошлангунига қадар ҳарбий-спорт машғулотлари, танловлар, эстафеталар, викториналар, тактик ўйинлар, фавқулодда ҳаракатлар, қисқа ва узоқ масофага югуришлар, сафда юриш бўйича машғулотларни олиб бориш мусобақага тайёргарлик ҳисобланади.

58. Ўқ отиш бўйича тайёргарлик Калашников автомати, осколкали қўл гранатаси қисмларини чуқур билиш, автоматдан ўқ отиш йўл-йўриклари, қўл гранатасини қўзланган нуқтага улоқтиришни ўрганиш, ўқ отиш қуроллари билан муомалада бўлганда хавфсизлик қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлиш, ўқ отиш қуролларини сақлаш қоидалари билан танишиб бориш орқали амалга оширилади.

59. Саф тайёргарлиги бўйича сафда туриш ва саф қоидаларини ўрганиш, қуролли ва қуролсиз сафда туриш ҳамда юриш қоидаларини ўрганиши, сафда айтиладиган ватанпарварлик қўшиқларини ўрганиш, устки кийимларни озода сақлашни ўрганиш орқали кўникумга ҳосил қилинади.

60. Тиббий-санитар тайёргарлик бўйича оммавий қирғин қуроллари қўлланилганда ҳамда фавқулодда вазиятлар юз берганда жароҳатланган касалларга ёрдам бериш учун тиббий хизмат билимини чуқурлаштириши ва асосий вазифаларини ўрганиб бориш, юкумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда беморларга ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирларни бажаришда, заҳарланганда, баҳтсиз ҳодисалар юз берганда, куйганда, жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий кўникумларини мустаҳкамлаш, заҳарланганда ва жароҳатланганда ёрдам бериш юзасидан ўзининг олижаноб бурчини бажариш, ўзида беморларга муруватли муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялаш орқали мусобақага тайёргарлик кўрилади.

61. Жисмоний тайёргарлик бўйича умумривожлантирувчи, куч, чидамлилик, эпчиллик ва ҷаққонликини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи тизимли машқлар орқали тайёргарлик кўрилади.

## **11-боб. Ғолибларни тақдирлаш**

62. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари мусобақа ташкилотчилари томонидан диплом, кубок, эсадалик ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан мукофотланадилар.

63. “Энг илғор” номинация ғолиблари мусобақа якунида (ҳар бир босқич якунида) ташкилий қўмита томонидан тақсимотга асосан, вазирлик ва идоралар ҳомийлигига алоҳида совғалар билан тақдирланади.

## **12-боб. Якуний қоидалар**

64. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар вазирлик ва идораларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

65. Давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек фаолияти қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ташкилотлар ҳам мусобақага ҳомийлик қилишлари мумкин.

66. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар тегишлилиги бўйича ДХХ ЧК ҳарбий қисмларида сақланади.

67. Мусобақа натижаларидан норози жамоалар мусобақа якунлангач, икки иш кунида апелляция тартибида Республика ташкилий қўмитасига ёзма равишда шикоят қилиш хуқуқига эга.